Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

2016-yil
17-noyabr,
payshanba
№ 137
(3798)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

18 ноябр — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун

## Юксакларда ҳилпирайвер, шонли байроғим!

*Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳиясига эга.*

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 5-модда.**




Миллий байроғимиз эл-юртимиз ҳаётида чуқур маъно-мазмунга эга. Халқимизнинг орзу-интилишларини теран ифода этган, ёшларимизнинг маънавий оламини эзгу ғоялар асосида шакллантириш ва камол топтиришга хизмат қилаётган байроғимиз том маънода миллий рамзга айланиб улгурди.

У йигирма беш йилдан бери Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Олий Мажлис палаталари, ҳукумат биноси, маҳаллий бошқарув идоралари, Ўзбекистон аъзо бўлган халқаро ташкилотлар, юртимизнинг ўнлаб хорижий давлатлардаги дипломатия ва савдо ваколатхоналари, консуллик муассасаларида ҳилпираб турибди.

Ер юзида икки юздан ортиқ давлат бор ва албатта, ҳар бирининг ўз рамзлари, байроғи бор. Ҳар бир байроқ айрича ранг ва тимсолларга эга. Улар билан ёнма-ён балқиб турган байроғимиз ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва кам бўлмаслигимизни кўрсатиб туради.

Қолаверса, у турли байрам тантаналарида, юртимиз делегациялари қатнашаётган халқаро миқёсдаги тадбирларда, нуфузли спорт мусобақаларида Ватанимизнинг шаъни, халқимизнинг ғурур ва ифтихорини ёрқин акс эттиради.

Давлатимиз байроғидаги ҳар бир ранг, ҳар бир белги чуқур рамзий маънога эга. Ундаги мовий ранг тириклик манбаи бўлган обиҳаётни, мусаффо осмонимизни, куч-қудратимизни, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорликни акс эттиради.

Оқ ранг — тинчлик ва хотиржамлик, ёруғ кунлар рамзи. У халқимизнинг покиза орзу-умидларини, ёруғликка, эзгуликка эшлигини ўзида намоён этади.

Яшил ранг эса янгиланиш, навқиронлик ва шодумонлик рамзи, шунинг баробарида она табиатимиз тимсолидир. Қизил чизиқлар эса, томиримизда жўшиб оқаётган аждодлар қони — ҳаётий қудрат ва давомийлик нишонасидир. Шунингдек, унда озодлик йўлида курашган эрксевар ота-боболаримизнинг орзу-армонлари мужассам.

Байроғимиздаги ярим ой ва юлдузлар тасвири тарихий қадриятларимиз, умрбоқий анъаналаримиз, маънавий куч-қудратимиз билан боғлиқ. Ҳилол қўлга киритилган мустақиллик, озодликни ифодалайди.

Мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбиясига қаратилаётган улкан эътибор самараси ўлароқ, халқаро миқёсда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Айниқса, турли спорт мусобақаларида ғолибликка эришган йигит-қизларимиз шарафига юрт байроғи баланд кўтарилмоқда.

Айниқса, жорий йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларида муносиб иштирок этган спортчиларимиз шарафига мадҳиямиз янграб, юртимиз байроғи юксакларга кўтарилганда қалбларимизда Ватан туйғуси янада кучлироқ жўш урди, халқимизнинг салоҳияти, келажагимизга ишонч янада мустаҳкамланди.

Оғир атлетика бўйича беллашувларда юртимиз шарафини ҳимоя қилган андижонлик полвон Руслан Нурудинов даст ва силтаб кўтаришда 431 килограмм тошни ўзига бўйсундириб, Олимпиада чемпиони, дея эълон қилинганида, уни зангори экран орқали кузатиб турганларнинг қувонч тўла ҳайқириқлари бутун мамлакатимизни тутди, десак хато бўлмайди. Дунёнинг манаман деган полвонлари орасида чемпионликни нақд қилиб қўйганидан сўнг ҳам силтаб кўтаришда 237 кг. тошни кўтариб, Олимпиада рекордини янгилади.

— Олимпия ўйинларининг чемпионлиги — бутун Ўзбекистоннинг ғалабасидир. Мен озод ва обод юртда туғилиб вояга етганлигим ва халқаро майдонда Ўзбекистон номидан майдонга чиқаётганлигимдан доимо фахрланаман. Биринчи Президентимизнинг биз ёшларга қарата «Маррани доимо юқори олинг, зеро Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмас ва ҳеч қачон кам бўлмайди ҳам», деган сўзлари қалбимга муҳрланган. Ғолиблар номлари эълон қилиниб, шоҳсупага кўтарилар эканман, юксакларда ҳилпираб турган байроғимизни кўриб, кўзларимга ёш келди. Кўнглимдан кечган туйғуларни тасвирлаб бериш осон эмас. Байроқ — ғурур, фахр, мустақил юртнинг фарзанди эканлигингни алоҳида таъкидловчи қутлуғ рамздир. Байроғимиз ғалабаларимизга ошно бўлиб, доимо ҳилпираб тураверсин! — деди Руслан Нурудинов.

Байроғимиз ҳар биримизни юртимизда ҳукм сураётган, энг катта бойлигимиз бўлган тинчлик-осойишталик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, миллатлараро тотувликни кўз қорачиғидек асрашга чорлайди. Зеро, унда руҳиятимиз, ғурур ва ифтихоримиз, Ватанимиз ва халқимизга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатимиз, келажакка ишончимиз мужассамдир.

**Адҳам АРСЛОНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

4 декабр — Сайлов куни

**Жиззах вилоятининг Янгиобод тумани «Ҳавотоғ» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Қўшқанд, Учтурғон, Қўриқ, Чанговул қишлоқларида 3 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Мустақиллик йилларида ушбу қишлоқлар қиёфаси ҳам тубдан ўзгарди, аҳоли турмуш фаровонлиги юксалди.**

## Сиёсий тадбирга пухта тайёргарлик

Ҳудуддаги учта умумтаълим мактаби биноси қайта таъмирланиб, замонавий таълим-тарбия масканига айлантирилди. Зарур тиббий жиҳозлар билан таъминланган иккита қишлоқ врачлик пунктида аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича тузилган иккита участка сайлов комиссияси ҳам ана шу мактаб ва қишлоқ врачлик пунктларининг янги қурилган биноларида жойлашган. Айни пайтда Учтурғон қишлоғидаги 9-умумтаълим мактаби биносида жойлашган 463-, «Қўшқанд» қишлоқ врачлик пункти биносидаги 464-участка сайлов комиссияларида сайловга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

Ҳар иккала участкада комиссия учун зарур мебеллар, идора жиҳозлари билан таъминланган хоналар ажратилган. Комиссия раиси, котиби, аъзолари учун алоҳида хоналардан ташқари, тиббиёт, она ва бола хоналари ҳам жиҳозланиб, сайловга шай қилиб қўйилди.

— Сайловга фақат участка комиссиясида эмас, бутун ҳудудимизда ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилмоқда, — дейди «Ҳавотоғ» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Б.Назарқулов. — Аввало, аҳоли ўртасида сайловолди тарғибот-тушунтириш тадбирларини чуқур ва мазмунли ўтказиш, сайловнинг мамлакатимиз ҳаётидаги ўрнини ҳар бир сайловчига, айниқса, ёшларга чуқур тушунтиришда йиғинимиз фаоллари, оқсоқоллар комиссияларга кўмак бермоқда. Бу йўналишда олиб борилаётган тарғибот тадбирларида аҳолининг ҳуқуқий билимини ошириш, тинчликни асраш, ёшларни турли ёт ғоялардан асрашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Фуқаролар йиғини туман ички ишлар бўлимининг ҳудуддаги профилактика нозири, «Маҳалла посбони» ва «Чегара посбони» жамоатчилик тузилмалари билан яқин ҳамкорликда ишламоқда. Ҳудудда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Жумладан, яқинда ўтказилган «Тозалаш» тадбири паспорт қоидаларига риоя қилишни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Тадбир давомида паспорт қоидаларини, хориждан келиб-кетиш, қонун ва белгиланган тартибларни бузиш бўйича аниқланган ҳолатлар бартараф этилди.

**Т.БЕКНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири**

## САЙЛОВ — 2016

### Сарвар Отамуратовнинг Сурхондарё вилояти сайловчилари билан учрашуви

**Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов 16 ноябр куни Сурхондарё вилояти сайловчилари билан учрашди.**

Видеоконференция тарзида ташкил этилган учрашувни Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари С.Турсунов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили Б.Худойқулов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов ўзининг сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Номзод дастурда «Миллий тикланиш — авваламбор миллий ўзликни англаш демакдир», «Миллий манфаатлар ва миллий қадриятларимиз ҳимояси — бош вазифамиз», «Фарзандлари соғлом ва баркамол юрт қудратли бўлур», «Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ», «Баркамол авлод — миллат таянчи»тамойиллари асосида маънавий-маърифий, сиёсий ва суд-ҳуқуқ, иқтисодиёт, ижтимоий, ахборот ва ташқи сиёсат соҳаларида бир қатор вазифалар белгиланганини таъкидлади.

«Миллий тикланиш»демократик партиясининг мақсади — миллий тикланишдан миллий юксалишга эришиш ғоясини амалга ошириш, ички сиёсатда иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланиши, халқимизнинг фаровонлиги ошиши, мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, ташқи сиёсатда миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, Ўзбекистон халқининг миллий-маданий ва маънавий-ахлоқий қадриятлари, урф-одатларини сақлаш ва бойитишдан иборат.

Дастурда миллий ўзликни англаш, миллий ғурур ва қадр-қиммат туйғуларини янада мустаҳкамлаш, миллий иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, аҳолининг овқатланиш рационини кенгайтириш, мамлакатимизда сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, бунда генларни модификация қилиш усулидан фойдаланишни чеклаш каби устувор вазифалар илгари сурилган.

Учрашувда Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курси бўлими бошлиғи А.Маҳмадалиев, Денов туманидаги 67-санаторий мактаб-интернати директори Р.Саломова, вилоят телерадиокомпанияси мухбири С.Сиддиқова, Термиз давлат университети талабаси Ф.Қосимов номзоднинг дастури ва унда белгиланган вазифалар хусусида фикр билдирди. Сайловчиларни 2016 йил 4 декабр куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

**ЎзА**

### Шавкат Мирзиёевнинг Қашқадарё вилояти сайловчилари билан учрашуви

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 16 ноябр куни Қашқадарё вилояти сайловчилари билан учрашди.**

Учрашувни номзоднинг ишончли вакили И.Аброров очди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида мамлакатимизнинг барча ҳудудлари қатори Қашқадарё вилояти ҳам изчил тараққий этмоқда. Жорий йилнинг 9 ойида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 10 триллион 630 миллиард сўмдан зиёдни, ўсиш суръати 6,5 фоизни ташкил этди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 62,3 фоизга етди.

Мамлакатимизга жалб этилаётган инвестицияларнинг 11,2 фоизи Қашқадарё вилояти ҳиссасига тўғри келаётир. Бу янги ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилиши, иш ўринлари кўпайиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги ҳамда даромадининг янада ошишига замин яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев ўз сайловолди дастури юзасидан маъруза қилди.

Дастурда мамлакатимизда ривожланган ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокини кенгайтириш, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш, қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилишда очиқлик ва ошкораликни таъминлаш, бу борада фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва аҳоли билан самарали ҳамкорлик механизмларини кенг қўллаш, 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини икки баробардан зиёд кўпайтириш, иқтисодиётимиз таркибида саноатнинг улушини 40 фоизга етказиш, иқтисодиётимизнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш, инвестициявий фаолликни кучайтиришга доир стратегик мақсадлар ўз ифодасини топган. Ижтимоий соҳани ривожлантириш, аввало, қишлоқ аҳолисининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ этиш, халқимизга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш, мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини ошириш каби муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Учрашув видеоконференция шаклида ўтказилди. Вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари марказларидан сайловчилар номзоднинг дастури юзасидан ўз фикрларини билдирди.

«Нуроний» жамғармаси Қашқадарё вилояти бўлими раиси Я.Иноятов, Қарши шаҳридаги «Хонтепа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Р.Зоҳиров, Қарши шаҳридаги 9-умумтаълим мактаби ўқитувчиси О.Елисеева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Д.Раҳимова, Ф.Абдуллаев, Т.Бекназаров, «Нуроний» жамғармаси Нишон тумани бўлими раиси Ҳ.Махсимов, Косон туманидаги 94-умумтаълим мактабининг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси И.Шомуродова ва бошқалар дастурда белгиланган вазифалар мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилишини таъкидлади. Сайловчиларни 4 декабр куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

**ЎзА**

### Хатамжон Кетмоновнинг Бухоро вилояти сайловчилари билан учрашуви

**Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хатамжон Кетмонов 16 ноябр куни Бухоро вилояти сайловчилари билан учрашди.**

Видеоконференция тарзида ташкил этилган учрашувни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Ф.Умаров очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили Р.Козимова йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Президентликка номзод Хатамжон Кетмонов ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Кейинги йилларда Бухоро вилоятида ҳам юқори ўсиш суръатлари кузатилмоқда. Бунинг тасдиғини сўнгги беш йилда вилоят иқтисодиёти 1,5 баробар ўсгани, ялпи ҳудудий маҳсулотда саноатнинг улуши 24,7 фоиздан 30 фоизга етганида кўриш мумкин. Вилоятнинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги улуши тобора ортиб бормоқда. Юртимизда қазиб олинаётган табиий газнинг 10, газ конденсатининг 11, нефтнинг 7, етиштириладиган пахтанинг 11, ғалланинг 9, пилланинг 12 фоизи Бухоро вилояти ҳиссасига тўғри келади

Дастур партиянинг ғоя ва дастурий мақсадлари, хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг парламентдаги кўпчилик — Демократик кучлар блокига нисбатан ўзини мухолифат, деб эълон қилгани, бу мухолиф фракция сифатида илгари сурган қатор ғояларига асосланади.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашда оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш, корхоналар таснифига «ўрта корхона»тушунчасини киритиш, яъни йирик, ўрта ва кичик корхоналар мезонларини белгилаш, кичик корхоналарнинг йириклашиши ва янада ривожланишига хизмат қиладиган солиқ ва имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш таклифи илгари сурилган.

Қурилиш ташкилотларининг моддий-техник таъминотини яхшилаш, соҳага янги технологияларни жорий қилиш, малакали мутахассисларни ёллашга имконият берувчи шароитлар яратиш мақсадида солиқ юкини камайтириш, янги иш ўринлари яратиш, бунинг учун мунтазам ўтказиладиган иш ўринлари ярмаркаларини янада кенгайтириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини тузишда жорий ва истиқболдаги тараққиёт йўналишларини тўғри ва аниқ белгилаб олишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Учрашувда Бухоро давлат университети магистранти Ш.Бобожонов, Шофиркон туманидаги «Гулистон»маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси С.Юсупова, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар»ташкилоти Бухоро вилояти кенгаши раиси О.Қудратов, Вобкент тумани «Баркамол авлод»болалар маркази директори Р.Ҳайитова, Пешку саноат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси М.Сафоева номзоднинг сайловолди дастури ҳақида ўз фикрларини билдирди. Сайловчиларни 2016 йил 4 декабр куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

**ЎзА**

### Наримон Умаровнинг Самарқанд вилояти сайловчилари билан учрашуви

**Ўзбекистон «Адолат»социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров 16 ноябр куни Самарқанд вилояти сайловчилари билан учрашди.**

Видеоконференция тарзида ташкил этилган учрашувни Булунғур миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи директори Н.Мамадиёрова очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили М.Бобобекова йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров ўзининг сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Самарқанд нафақат ўзининг буюк ўтмиши ва тарихий ёдгорликлари, балки бугунги салоҳияти ва маданияти, меҳнаткаш ва меҳмондўст халқи билан ҳам дунёга донг таратган. Мустақиллик йилларида вилоят иқтисодиётини ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар ҳамда чет эл инвестицияларининг жалб этилгани натижасида Самарқандда автомобилсозлик, тўқимачилик, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва бошқа тармоқлар изчил тараққий этмоқда.

Энг юксак стандартлар асосида замонавий жиҳозланган Самарқанд автомобил заводида ўнлаб турдаги машиналар ишлаб чиқарилмоқда. Шу билан бирга, «Бритиш-Американ тобакко», «Сам Антеп Гилам», «Амин Инвест»қўшма корхоналари, «Шарқ саноати»хусусий концерни сингари йирик ишлаб чиқариш қувватлари вилоят саноати ривожига муҳим ҳисса қўшмоқда. Кейинги беш йилда вилоятда 100 дан ортиқ янги қўшма ва хорижий корхоналар ташкил этилиб, айни пайтда уларнинг сони 259 тага етди.

Самарқанд вилоятининг иқтисодий ривожи унинг экспорт салоҳиятида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Жорий йилда ҳудудий экспорт миқдори 385 миллион долларга етиб, бу кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 4,3 баробар ошгани ҳам шундан далолат беради.

Номзод сайловолди дастурининг асосий йўналишларига тўхталар экан, унда илгари сурилган ғоялар «Адолат»социал-демократик партиясининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, маънавий ва ахлоқий етук адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги дастурий мақсад ва вазифаларига асосланишини қайд этди.

Хотин-қизларнинг жамият сиёсий ҳаётидаги фаоллигини ошириш, янада чуқур билим ва касб маҳоратига эга бўлиши учун кенг имкониятлар яратиш, меҳнат бозорида уларга имтиёзлар бериш, иқтидорли ва юқори малакали, юксак интеллектуал салоҳиятли аёлларни давлат бошқаруви органларига фаол жалб қилиш таклифлари илгари сурилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Ш.Полвонов, Самарқанд вилояти ҳудудий давлат экспертиза бошқармаси бошлиғи С.Боқиев, Самарқанд давлат чет тиллари институти ҳуқуқшуноси М.Аслиев, Каттақўрғон шаҳридаги 17-ихтисослашган давлат умумтаълим мактаби ўқитувчиси Ҳ.Абдуллаева ва бошқалар номзоднинг сайловолди дастури ҳақида фикр билдирди. Сайловчиларни 2016 йил 4 декабр куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

**ЎзА**

Раёсат йиғилиши

**Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг навбатдаги раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда асосий эътибор бирлашма фаолиятининг жорий йил 9 ойидаги якунлари ва келгусидаги вазифаларга қаратилди.**

# Олдинга интилиш даври

Таъкидландики, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Халқаро меҳнат ташкилотининг «Бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 87-сонли Конвенциясини ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши жамоат ташкилоти фаолиятида муҳим аҳамият касб этди.

— Ҳисобот даврида фуқароларнинг ижтимоий меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш изчиллик билан давом эттирилди. Меҳнаткашлардан ёзма, оғзаки, «Ишонч телефонлари» ва интернет тармоғи орқали тушган 200 дан ортиқ мурожаат кўриб чиқилиб, натижалари бўйича 152 нафар шахснинг меҳнат ҳуқуқи тикланишига эришилди, — деди бирлашма кенгаши раиси Ғулом Сафаров. — Бирлашмадаги «Ишонч телефони» ҳамда «Жамоатчилик қабулхонаси»га мурожаат этган 60 дан зиёд янги тадбиркорлик субъектларига бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Ўтган даврда касаба уюшмалари сафини кенгайтириш борасидаги ишлар изчиллик билан давом эттирилди. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилаётган ходимларни касаба уюшмаларига жалб этиш орқали уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаати ҳамда ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда жойларда 2 минг нафардан ортиқ кичик бизнес субъекти ва фермер хўжаликлари раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилди. Натижада, ҳисобот даврида 1596 та хўжалик субъектида меҳнат қилаётган 7530 нафар ходим касаба уюшма ҳимоясига олинди.

Жорий йилнинг ўтган даврида жамоа шартнома ва келишувлари воситасида ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий шериклик орқали 1824 нафар ёшларга, 389 нафар ходимга, шунингдек, 2420 нафар кексага ижтимоий кўмак берилди.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан касаба уюшмалари томонидан ҳар бир туман, шаҳарда хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш орқали коллеж битирувчилари учун 25 тадан янги иш ўрни яратиш бўйича манзилли дастур асосида жойларда 325 та янги иш ўрни яратилди. Шу билан бирга, ҳар бир яратилган иш ўрнида битирувчининг фаолиятини янада кенгайтириш, учраётган муаммоларнинг ҳал этилишида кўмаклашиш чоралари кўрилди.

Шу ўринда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Меҳнат шароитлари ва меҳнат муҳофазасини яхшилаш бўйича 2015 — 2016 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар дастури» доирасида Бухорода «Меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги» мавзусида Республика семинари ўтказилганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Ҳисобот даврида тасарруфдаги санаторийларда ижтимоий суғурта маблағи ҳисобидан 1428 нафар ходим соғломлаштирилди. Шундан 76 тасига давлат дастурига асосан бепул йўлланмалар тарқатилди. Касаба уюшма маблағи ҳисобидан 1367 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари соғломлаштирилишига эришилиб, уларнинг қарийб 95 фоизи имтиёзли равишда ўз саломатликларини тиклади.

Ҳар қандай ташкилот фаолиятида жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлаш, тизимга замонавий ахборот технологияларини жорий этиш алоҳида аҳамиятга эга. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳисобот даврида бу йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш чоралари кўрилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати қарорига асосан, «Kasaba KIAT» комплекс интеграллашган дастурига вилоятдаги барча бошланғич касаба уюшма ташкилотлари тўғрисида маълумотлар базаси тайёрланди.

Йиғилишда фаолият даврида йўл қўйилган камчиликлар тилга олиниб, уларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Раёсат йиғилишида кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Халқаро ҳамкорлик

**Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ва «Белхимпрофсоюз» ўртасида ҳамкорлик келишуви имзоланган бўлиб, мазкур келишув доирасида тажриба алмашиш мақсадида тармоқ касаба уюшма фаолларининг ўзаро ташрифларини уюштириш режалаштирилган.**

# Манфаатли алоқалар

Жорий йил 3 – 9 ноябр кунлари тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси М.Халилова раҳбарлигидаги делегация Белорус Республикасида бўлди.

Ташриф доирасида «Белхимпрофсоюз» фаоллари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда кимё соҳасидаги корхоналарда меҳнат қилаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаати ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлаш, бандликка кўмаклашиш, хавфсиз ва муносиб меҳнат шароитини яратиш, иш берувчилар билан ижтимоий шерикликни ривожлантириш йўналишида олиб борилаётган ишлар, бу борадаги ижобий тажрибалар тўғрисида маълумот алмашинди.

Шунингдек, делегация аъзолари «Беларуськалий» ОАЖ ва «Белнефтестрах» ёпиқ турдаги суғурта акциядорлик жамияти бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ҳамда «Березка» санаторийси фаолияти билан яқиндан танишди.

Ташриф давомида Белорус Республикасида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлаш йўналишларида амалга оширилаётган тизимли ишларга юксак баҳо берилди.

**Баҳром ҚУВВАТОВ,**
**Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг ташкилий ишлар бўйича бош мутахассиси**

Инсонга наф келтириш — олий бахт

**Мамлакатимизда тадбиркорлар учун қулай ишбилармонлик муҳити яратилиб, соҳани ривожлантириш йўлида катта имкониятлар берилмоқда.**

# Касаба уюшмалари — тадбиркорларга

Иқтисодиётимиз ривожига ҳисса қўшиб келаётган тармоқнинг эмин-эркин ривожланишига кенг йўл очиб қўйилди, турли текширув ва тўсиқлардан холи қилинди. Тадбиркорларимиз нафақат давлат, балки жамоат ташкилотлари томонидан ҳам қўллаб-қувватланиб келинмоқда. Хусусан, ишчи-ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий, интеллектуал ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоячиси ҳисобланган касаба уюшмалари ижтимоий шериклик муносабатлари асосида ҳамкорлик қилмоқда. Мазкур субъектларда ижтимоий меҳнат муносабатларини шакллантириш баробарида янги корхоналар ташкил этиш, янги иш ўринлари яратилишига ҳам ҳисса қўшилмоқда.



Ўтган йилда туманимиз тармоқ касаба уюшмалари ташаббуси билан «Тўрткўл» маҳалласида «Ургут ёшлари сервис» кичик корхонасига асос солинди. Бу ерда ўнга яқин касб-ҳунар коллежи битирувчилари иш билан таъминланди. Буюртма асосида фаолият кўрсатишга ихтисослашган янги корхона жамоаси, бир йилдирки, аҳолига намунали хизмат кўрсатаётир.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрамига ҳар бир ҳудудда 25 тадан иш ўринлари ташкил этиш ташаббуси ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, вилоятимизда кичик корхоналар ташкил этиш орқали 400 нафарга яқин ёшларни иш билан таъминлаш режалаштирилган бўлиб, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг бевосита кўмагида ҳозиргача туманимизда 21 та янги иш ўрни яратилди.

Албатта, янги корхона ташкил этишнинг ўзига хос муаммо ва қийинчиликлари бўлади. Лекин биз бу масалада ёлғиз эмасмиз. Саъй-ҳаракатларимиз туман ҳокимияти томонидан қўллаб-қувватланди. Тармоғимиз қошида «Абдураим Текс Сервис» масъулияти чекланган жамият шаклидаги корхона ишга туширилди. 9 нафар касб-ҳунар коллежларини тамомлаган ёшлар иш билан таъминланди. Корхонамизда замонавий пойабзал ишлаб чиқарилмоқда.

«Равот далалари» фермер хўжалиги кенгайтирилиб, 5 та қўшимча иш ўрни яратилди. Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши томонидан «Музаффар ширинликлари» оилавий корхонаси ташкил этилиб, 6 нафар ёш бандлиги таъминланди. Мазкур тадбиркорлик субъектларига касаба уюшмалари бевосита кўмак кўрсатмоқда.

Туманимиз тадбиркорлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар дунёнинг қатор мамлакатларига сотилаётганлиги сир эмас. Тадбиркорлик борасида изланишлар доимо қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Энг муҳими, ёшларимизда бу соҳада ўзларини синаб кўриш иштиёқи баланд. Биз уларнинг ҳар бир ҳаракатини рағбатлантириш, кўмак кўрсатишга ҳамиша тайёрмиз.

Ургут эркин индустриал зонасини барпо этиш тўғрисидаги таклиф ҳам халқимиз томонидан мамнуният билан кутиб олинди. Бу, ҳудудимизда яшаётган ҳар бир инсон зиммасига алоҳида масъулият юклаб қолмасдан дахлдорликни ҳис этишга чорлайди. Ишонч эса ҳар биримизга ўзгача куч-ғайрат бағишлаши шубҳасиз. Шундан келиб чиққан ҳолда касб-коримиздан қатъи назар ўзимизни кўрсатиб бир ғайратимизга ўн ғайрат қўшиб ишлашимиз керак.

**Мадина БАРАТОВА,**
**Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ургут туман кенгаши раиси**

8 декабр — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

# Ёшлар Конституциямизни ўрганмоқда

**Жиззах педагогика коллежида 1 минг 474 нафар ўқувчи бошланғич таълим, мактабгача таълим, мусиқий таълим, жисмоний тарбия ва болалар спорти, мактаб ва синфдан ташқари тўгараклар иши ташкилотчиси, архившунослик каби йўналишларда сабоқ олмоқда.**



Таълим масканида ёшлар билим ва касб маҳоратини пухта эгаллаши учун барча шароит яратилган. Ўқув ва амалий машғулотларда илғор педагогик технологиялардан кенг фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллиги муносабати билан коллежда ўтказилаётган «Конституция — бахтимиз пойдевори» мавзуидаги маънавий-маърифий тадбирлар, «Сиз қонунни биласизми?» заковат мусобақаларида ёшлар фаол иштирок этмоқда.

**ЎзА фотомухбири Шерзод НАЗАРОВ олган сурат.**

Таҳлил

**Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Навоий вилояти тасарруфидаги 38 та касаба уюшма қўмитаси таркибида 22870 нафар аъзо бор.**

# Устуворлик касб этиб...

— «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида тармоқда бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди, — дейди Республика кенгашининг Навоий вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Боймурот Ниёзов. — Жумладан, тармоқда ишловчи 1402 нафар хотин-қиз бепул тиббий кўрикдан ўтказилди. Тиббий кўмакка муҳтож 14 ёшгача бўлган 7 нафар болага Республика кенгаши томонидан гуликаметр ва эшитиш аппаратлари тақдим этилди. 250 нафардан ортиқ эҳтиёжманд, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизга касаба уюшма маблағи ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, тармоқ корхоналарида ишловчи ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳамда боқувчисини йўқотган оилаларнинг 100 нафардан ортиқ фарзандларига ўқув қуроллари тарқатилди. Ёзги дам олиш мавсумида ходимларнинг 140 нафар фарзанди оромгоҳларда имтиёзли соғломлаштирилди.

Ариза ва шикоятларни муддатида кўриб чиқиш, ишчи-ходимларнинг ҳуқуқий ҳимояланишини таъминлаш, уларга бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, иш берувчи ташаббуси билан ишдан бўшатилаётган ходимлар манфаатларини ҳимоя қилишда касаба уюшмаларининг қонунчилик билан белгиланган ваколатларидан кенг фойдаланишга эътибор кучайтирилди. Жорий йилнинг шу даврига қадар 2 та ариза ҳамда 10 дан ортиқ оғзаки мурожаат қонуний равишда ҳал этилди.

**Дилафрўз ЎРОЗОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

Ўқув-семинар

# Муҳим тавсиялар

**Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан «Касаба уюшмалари бошланғич ташкилотларида фаолиятни тўғри ва самарали ташкил этиш» мавзусида ўқув-семинар ўтказилди.**

Устувор вазифалар юзасидан касаба уюшма фаоллари масъулияти ҳамда саводхонлигини янада оширишга қаратилган семинарда таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси тизимида янгидан ташкил этилган ёки сайланган бошланғич ташкилотлар раҳбарлари қатнашди.

Ўқув-машғулотларида 2014 — 2016 йиллар учун имзоланган Бош келишувни амалиётга татбиқ қилиш борасидаги вазифалар, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятининг асосий йўналишлари, иш берувчи ва ходим ўртасидаги меҳнат муносабатларини тартибга солиш ҳамда низоларни ҳал этишнинг ҳуқуқий асослари, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида касаба уюшмасининг роли хусусида сўз борди. Семинар якунида тингловчиларга гувоҳномалар топширилди.

**Файзулла МАҲМУДОВ,**
**вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилий ишлар бўлими мудири**

***

**«Sirdaryo IES» АЖда Меҳнат кодекси ва «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуннинг аҳамияти юзасидан ўқув-семинар ўтказилди.**

Унда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Бозорбой Исматов, юридик бўлими мудири Шириной Умаралиева қатнашди.

Семинар иштирокчилари ҳаётнинг муҳим қисми бўлмиш меҳнат жараёнини тўғри ва қонуний ташкил этиш, ишловчилар учун адолатли, хавфсиз ҳамда кафолатланган иш ўринларини яратиш бўйича керакли тавсиялар билан ўз билимларини янада бойитишди.

**Озода МАМАДАЛИЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

Давра суҳбати

**Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ва Савдо-саноат палатаси ўртасида қабул қилинган тармоқ келишувлари ижроси ҳамда ходимларга муносиб меҳнат шароити яратишни янада кучайтириш мақсадида тармоқ касаба уюшмаси Андижон туман кенгаши тасарруфидаги «Ҳамкор саноат ёғдуси» МЧЖ да «Хавфсиз меҳнат шароити — самарали ишлаб чиқариш омили» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.**

# Самарали ишлаб чиқариш омили

Тадбирда тармоқ касаба уюшмасининг вилоят бўйича масъул ташкилотчиси Б.Ҳамдамов, туман кенгаши раиси М.Ходжаев, Савдо-саноат палатаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси юристи А.Ризаев қатнашди.

Янги таҳрирдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳияти, ижтимоий шериклар билан ўзаро ҳамкорликнинг шакл ва услубларини такомиллаштириш, жамоа шартномаларининг тегишли бўлимига янги таҳрирдаги қонун талаблари асосида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, бу борадаги ишларни кучайтиришда корхонадаги меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича сайланган вакиллар масъулиятини ошириш, иш берувчи ва касаба уюшмалари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Тадбир давомида корхона ходимлари, бўлим бошлиқлари, меҳнат муҳофазаси вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**Ф.АБДУВАҲОБОВА,**
**«Ҳамкор саноат ёғдуси» МЧЖ бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси**

Юзма-юз

# Муштарак мақсад йўлида

**Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятида «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти ходимлари иштирокида ижодий учрашувлар уюштирилди.**



Истиқлол йилларида юртимизнинг барча минтақаларида бўлгани каби Қорақалпоғистон Республикасида ҳам мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз берди. Жумладан, Нукус шаҳри кенг кўламли бунёдкорликлар туфайли қайтадан чирой очди. Бугун ҳам шаҳар бўйлаб кўп қаватли замонавий уй-жойлар қад ростламоқда. Кўчалар кенгайтирилиб, замонавий ёритиш тизимлари, инфраструктура объектлари билан таъминланяпти. Шаҳар ҳавосини тозалаш, экологик мувозанатни сақлаш ва аҳоли дам олиши учун қулай шароитлар яратиш мақсадида яшил ҳудудлар — боғлар, кўнгилочар масканлар барпо қилинаётир. Минтақа иқлими ҳисобга олинган ҳолда йўллар атрофи турли гуллар, дарахтлар билан безатиляпти. Туманлар, қишлоқ жойларда намунали лойиҳалар асосидаги уй-жойлар қурилиши давом этмоқда. Қишлоқ инфраструктурасини яхшилаш, жумладан, аҳолини тоза ичимлик суви ҳамда табиий газ билан таъминлаш масаласидаги лойиҳалар босқичма-босқич амалга оширияпти.

Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида бўлиб ўтган касаба уюшма фаоллари ва таҳририятимиз ходимларининг ижодий учрашувида шулар хусусида сўз борди. Мустақиллик шарофати билан қорақалпоқ халқининг буюк сиймолари хотираси абадийлаштирилгани, Нукус шаҳри марказида Бердақ, Ажиниёз каби улуғ шоирларга ҳайкал ўрнатилгани, Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат университетида замонавий таълим стандартлари жорий этилгани алоҳида таъкидланди. И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон санъат музейининг замон талабларига жавоб берувчи янги биноси қуриб битирилиши, айниқса, катта воқеа бўлгани эътироф этилди.

Эркин мулоқот тарзида ўтган учрашувда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар тўғрисида алоҳида сўз юритилди. «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари бош муҳаррири Жаҳонгир Шарофбоев мамлакатимизда юз бераётган янгиланишлар, шунингдек, касаба уюшмалари тизимидаги ишларни оммага етказишда ОАВнинг тутган ўрни хусусида маъруза қилиб, ишчи-ходимларга касаба уюшмаларига аъзоликнинг афзалликларини тушунтириш, меҳнат қонунчилиги нормаларини тарғиб қилиш орқали аъзолар сафини кенгайтириш ва аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида қилинаётган ишлар ва келгусидаги режаларга тўхталди. Фаолларни газеталар билан янада яқинроқ ҳамкорликка, ўзларини қизиқтирган савол ва таклифлар билан бевосита мурожаат қилишга ундади. Таҳририят ходимлари тизимдаги, жумладан, Қорақалпоғистондаги кенг кўламли ишлар, ўзига хос тажрибаларни оммалаштиришга хизмат қилишга ҳамиша тайёр эканини билдирди.

Учрашувда Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Муродбой Даниёров сўз олиб, «Ishonch» газетаси касаба уюшмаларининг ишончли ҳамкори эканини таъкидлади.

Суҳбат жараёнида таҳририят ходимлари касаба уюшма фаолларининг газеталарни янада ривожлантириш, қизиқарлироқ қилиш юзасидан таклиф ва талаблари билан қизиқди.

— «Савол беринг, жавоб берамиз» рукнига кўпроқ ўрин бериш керак, — дея таклиф киритди Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича масъул ташкилотчиси Лизахон Байбосинова. — Тўғриси, кўпинча иш берувчилар томонидан меҳнат қонунчилигига амал қилинмаслиги меъёрий ҳужжатлар талабларини яхши билмаслик натижасида келиб чиқади. Мазкур рукн ишчи-ходимларнинг, шунингдек, иш берувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга хизмат қилади. Айниқса, аёллар, ногиронлар, ёшлар ҳуқуқларига бағишланган мақола ва савол-жавобларни кўпайтириш керак. Бундан ташқари, ижтимоий муҳофазага муҳтож фуқароларнинг меҳнат қонунчилигидан ташқари имтиёзлари тўғрисида маълумот бериб бориш зарур.

— Биз кўпроқ ёшлар билан ишлаймиз, — дейди Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиали касаба уюшма қўмитаси раиси Алима Уразова. — Улар маълумотларни кўпроқ интернет орқали олишга ўрганган. Шу туфайли «Ishonch»нинг веб саҳифасини ривожлантириш, шунингдек, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларни оммалаштириш керак деб ҳисоблайман. Бу янада кенгроқ аудиторияни қамраб олиш учун имконият яратади.

— «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири талабларини, умуман, соҳага оид меъёрий ҳужжатларни тарғиб қилиш масаласига алоҳида ўрин бериш лозим, — дея фикрини баён этди бирлашма кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими етакчи мутахассиси Полат Абдиязов. — Корхона-ташкилотларда ўтказиладиган режавий кўриклар жараёнида баъзи раҳбарларнинг бундан мутлақо хабарсиз эканига гувоҳ бўламиз. Ваҳоланки, ушбу масала бевосита ходимлар ҳаёти ва саломатлиги билан боғлиқ.

Шунингдек, йиғилганлар ЎзКУФ Ёшлар кенгаши, Хотин-қизлар кенгаши фаолиятига бағишланган таҳлилий мақолалар, касаба уюшма фаоллари ижодидан кичик ҳикоя ва очерклар чоп этиб боришни таклиф қилди. Суҳбат жараёнида таҳририят ходимлари ва касаба уюшма фаоллари ўз ижодларидан намуналар ўқиб беришди.

***

Ижодий сафар жараёнида таҳририят ходимлари Халқобод туманидаги «Халқобод пахта тозалаш» акционерлик жамиятида бўлиб, бу ерда ишчи-ходимларга яратилган шароитлар билан танишди. Корхона тумандаги етакчи ишлаб чиқариш объектларидан ҳисобланади. Биргина ўтган йили жамиятда 850 203 минг сўмлик маҳсулот қайта ишланди. Ишлаб чиқаришга янги технологиялар жорий қилинди. Маҳсулот сифати бўйича Мадрид шаҳрида бўлиб ўтган кўргазмада корхонада қайта ишланган тола сифати бўйича энг намунали деб топилиб, халқаро «Олтин юлдуз» нишони билан тақдирланган. Албатта, даромад бор жойда ходимларнинг ижтимоий ҳимояси, уларга яратилаётган имконият ва имтиёзлар ҳам кўнгилдагидек бўлади.

— Корхонамизда 519 нафар ходим меҳнат қилади, — деди бош муҳандис Жамбул Қолбоев. — Шулардан 98 нафари аёллар, 130 нафари ёшлардир. Касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга қабул қилиш эвазига замонавий дастгоҳлар, компютер технологиялари билан ишлай оладиган кадрлар сонини кўпайтириб боряпмиз. Ходимларнинг ижтимоий ҳимояси борасида касаба уюшма қўмитаси ва маъмурият ўртасида тузилган жамоа шартномасига асосан фаолият юритамиз. Шартнома шартларининг тўлиқ бажарилиши, ходимларнинг моддий манфаатдорлиги ошириб борилиши иш унумдорлигига, пировардида корхона ривожига хизмат қилмоқда.

АЖ касаба уюшма қўмитаси ички меҳнат тартибини сақлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва бошқа қатор масалаларда иш берувчи билан ижтимоий шериклик тамойиллари асосида ҳамкорлик қилади. Барча ходимлар махсус кийим-бош, пойабзал, шахсий гигиена воситалари билан таъминланган. Кийиниш, ювиниш, дам олиш хоналари улар хизматида. Ходимлар учун бепул тушлик ташкил қилинади. Қўмита раиси Қозоқбой Эшимбетовнинг айтишича, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида иш берувчи томонидан ходимларга 8 миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилган. Ишловчиларни соғломлаштириш, болаларни оромгоҳларда дам олдириш масалаларида ҳам иш берувчи касаба уюшма қўмитасига кўмакдош. Бундан ташқари, 25 та ёш оилага намунали турар жой сотиб олиши учун харид қилинаётган уйнинг бошланғич тўлови миқдорида фоизсиз ссудалар ажратилган.

***

Таҳририят ходимлари Урганч шаҳридаги Туризм ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежида ҳам бўлди. Таъкидлаш жоизки, коллежда 930 дан зиёд ўқувчига 102 нафар моҳир педагог ва касб усталари сабоқ беради. Ўқув юрти замонавий ахборот технологиялари, ўқув қуроллари билан жиҳозланган. Назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш мақсадида коллежнинг ўзида меҳмонхона, кафе, ошхоналарнинг намунавий кўринишлари замонавий андозалар асосида шакллантирилган. Ёшларга чет тиллар, мамлакатимиз тарихи, сервис хизмати асослари, муомала маданияти, қўйингки, сайёҳларга ҳар томонлама намунали хизмат кўрсатиш сир-синоати чуқур ўргатиб борилади.

— Кейинги йилларда мамлакатимизда туризм салоҳиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, туризм иқтисодиёт ривожида муҳим аҳамият касб этувчи соҳалардан биридир, — дейди коллеж директори Ўктам Йўлдошев. — Мамлакатимиз дунёдаги сайёҳларни ўзига жалб қиладиган давлатлардан саналади. Хусусан, Хоразм воҳасида сайёҳликни янада ривожлантириш имкониятлари катта. Вилоятда 255 та маданий мерос объектлари рўйхатдан ўтказилган бўлиб, 18 таси археология, 133 таси архитектура, 66 таси ҳайкалтарошлик ёдгорликлари ва бошқалардир. Коллежимизда соҳани янада ривожлантириш мақсадида малакали мутахассислар етказиб берилмоқда.

Ўқув муассасасида Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши билан ҳамкорликда ташкил қилинган ижодий учрашув ёшларда катта қизиқиш уйғотди. Тадбирни вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси ўринбосари Камолжон Бекжонов олиб борди.

Таҳририят бош муҳаррири истиқлол ёшлари энг бахтиёр авлод эканини эътироф этиб, мамлакатимиз қонунчилигида уларга яратилаётган имтиёз ва имкониятлар тўғрисида гапирди. Жумладан, жорий йил сентябр ойида қабул қилинган «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонун ва унинг аҳамиятини тушунтирди. Касаба уюшмалари ҳам ёшларнинг маънан ва жисмонан баркамол бўлиб шаклланишига ҳисса қўшиб келаётгани, коллеж битирувчиларининг иш билан таъминланиши ва иш жойларида қўнимлилиги жамоатчилик асосида назорат қилиб борилиши ҳақида маълумот берди. Шунингдек, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида» ҳамда «Халқаро меҳнат ташкилотининг бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 87-сонли Конвенциясини ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг мазмун-моҳияти билан йиғилганларни яқиндан таништирди. Меҳнат кодексида ёшларга берилган имтиёзлар, жумладан, таълимни иш билан бирга олиб бориш, ўқув юртини битириб уч йил ичида биринчи марта ишга кираётганда синов муддати белгиланмаслиги ва ёшларга оид бошқа қатор имтиёзлар тўғрисида маълумот берди. Шунингдек, касаба уюшмаларининг ички туризмни ривожлантириш борасида амалга ошираётган ишлари тўғрисида тўхталиб ўтди.

Учрашувда ёшлар газетани янада қизиқарлироқ қилиш борасида мулоҳазалар билдирди. Жумладан, газета саҳифаларида туристик маршрутлар, ЮНЕСКО маданий мероси рўйхатига киритилган тарихий ва маданий ёдгорликлар, уларнинг тарихи, аҳамияти хусусида таҳлилий мақолалар бериб бориш, ушбу мақолаларни чет тилларга таржима қилиб, газета веб саҳифасига жойлаштириш мамлакатимизга сайёҳларни янада кўпроқ жалб қилишга ҳисса қўшиши тўғрисида таклифлар бўлди. Ўқувчилар, шунингдек, ёшлар мавзусини кенг ёритиш, ахборот хуружларидан келажак авлодни асраш мақсадида интернетнинг фойда ва зарари, уяли телефон воситаларининг ҳаётимиздаги ўрни хусусида мақолалар бериб бориш таклифини ўртага ташлашди.

Коллеж кутубхонасига касаба уюшмаси томонидан бир миллион сўмлик бадиий-публицистик адабиётлар, инглиз тилини ўрганишда яқин кўмакдош бўладиган қўлланмалар, таҳририят томонидан «Ishonch» фахрийлари ва ходимларининг асарлари тўпланган «Ижод сеҳри» китоби тортиқ қилинди.

**Улуғбек ИБОДИНОВ,**
**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,**
**Ортиқбой МАМУТОВ,**
**«Ishonch» мухбирлари**

Тил — миллатнинг юзи

# Ўзликни англашнинг биринчи шарти

***Филология фанлари номзоди Раҳимбой Жуманиёзов билан Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти проректори, санъатшунослик фанлари номзоди Гўзал Холиқулованинг суҳбати***

**Р.Жуманиёзов:** — Халқимиз азалдан нотиқликка эътибор қаратиб келган. Нафақат сўз, ҳатто унинг оҳангида ҳам маънолар жо бўлган. Бунда она тилига ҳурмат баробарида суҳбатдошига ҳам эҳтиром сақланган. Шундай экан, суҳбатни нутқ маданияти тушунчасидан бошласак.

**Г.Холиқулова:** — Таърифларда нотиқ фикрни тўғри, аниқ ва таъсирли баён этувчи, дейилади. Кишилар мазмунли, чиройли нутқ масалаларига қадимдан қизиқиб келган. Дастлаб қадимги Греция ва Римда нутқ маданиятининг назарий асослари яратилган. IX-X асрларда Форобий, Беруний, Хоразмий каби алломаларнинг «Сўзингни равон сўзлаб ўрган. Қандай сўзлашни истасанг, тил шуни гапиради», «Сўзингни жойида қўлла, бемаъни гапиришдан тийил», деган даъватларига дуч келамиз. Кайковуснинг «Қобуснома»сида киши ҳеч бир сўзни бузмай, тўғри қўллаши лозимлиги ҳақида турли мақоллар келтирилган.

**Р.Жуманиёзов:** — Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилгач, анжуманлар она тилимизда олиб борилишига алоҳида аҳамият қаратилди. Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг нафақат адабиёт аҳли, ижодкорлар, балки раҳбар ходимлар олдига қўйган талаби туфайли нутқ, муомала маданияти деган тушунчалар янада равнақ топди...

**Г.Холиқулова:** — Ҳозирги кунда педагогларга, раҳбар ходимларга нутқ, мулоқот маданияти, матн тайёрлаш, баҳс-мунозараларни ташкил этиш каби масалалар алоҳида дарс, семинар-тренинг шаклида ўргатилмоқда. Шундай устозлар борки, улар секин гапирадими, қаттиқ гапирадими, пурмаъно сўзларини эшитиб тўймайди, киши. Аксинча, шундай маърузачилар борки... бу ҳақда гапиришга ҳам хижолат тортасан. Уларда нутқ маданиятига бўлган масъулият, қолаверса, нутқ техникаси етишмайди.

**Р.Жуманиёзов:** — Кинолар, телекўрсатув ёки радио эшиттиришларда жаранглаётган ҳар бир сўз адабий тил қоидалари доирасида бўлиши керак. Аслида ҳам шундайми? Балки бошловчиларимиз, нотиқларимиз ўз нутқларига аҳамият бермаётганлиги ҳам бундай муаммоларни келтириб чиқараётгандир.

**Г.Холиқулова:** — Сир эмаски, эски тузумда тилимизга бўлган эътибор сусайиб, русча сўзларни аралаштириб гапириш кенг тус олган эди. Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон каби кўплаб шоир ва ёзувчилар ҳамда сўз усталари, фан арбоблари ўзбек адабий тилининг софлигини бойитиш учун қўлларидан келган ишни қилганларини унутмайлик. Кўплаб сухандонлар адабий тил, талаффуз радио ва телевидение усулида қандай бўлиши кераклигини қойилмақом тарзда кўрсатган. Аммо муаммолар гирдобидан тўлатўкис халос бўлганимиз йўқ. Баъзи бошловчиларни ўз тилини стилистик жиҳатдан бузиб гапириши етмагандай, кўчада модага айланган сўзларни ҳам ишлатиб юбориш ҳоллари учрайди. Буни назорат қилиш сизу бизнинг вазифамиздир.

**Р.Жуманиёзов:** — Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университетининг ташкил этилиши бу борада ташланган дадил қадамлардан бири бўлди, десак хато бўлмайди. Мана, сиз саҳна нутқи бўйича катта мутахассиссиз. Хўш, саҳнада бирор бир қаҳрамонни жонлантириб, унинг қиёфасини, ички-ташқи дунёсини яратиб беришга ҳаракат қилаётган актёр саҳна нутқи маданиятига қай даражада амал қилаяпти? Бугун томошабинларга тақдим этилаётган томошаларда адабий тилимизнинг гўзаллиги талаб даражасида намоён бўляптими?

**Г.Холиқулова:** — Тилнинг гўзаллигини равон, соф тилда намоён қилишда энг масъул шахс бу актёрдир. Чунки у томошабиннинг кўз ўнгида содир бўладиган турли хил воқеа-ҳодисаларни ўзининг яратаётган образи орқали, яъни ҳатти-ҳаракатлари, эмоцияси, саҳнавий нутқи орқали ифодалайди ва айни пайтда томошабиннинг онгу-шуурини эгаллайди. Демак, актёр ва у яратган қаҳрамон узоқ вақт томошабиннинг дилидан, хотирасидан чуқур жой олади, образнинг ҳар бир нутқи, оҳанги унинг қулоғида узоқ вақт жаранглаб туради. Томошабинни тўлқинлантирган актёр экранда кўриниб қолса ёки радиодан овози эшитилиб қолса мухлис қалби ларзага келади. Бунинг учун актёр саҳна нутқи маҳоратини, адабий тил қонун-қоидаларини пухта ўзлаштирган бўлиши шарт. Аслида, театр ана шундай маҳоратли актёрлари борлиги учун яшайди. Ҳар битта театр саҳна нутқи борасида юксак чўққиларни эгаллаган актёрларига эга...

**Р.Жуманиёзов:** — Глобаллашган жамиятда яшаётган одам юз бераётган ўзгаришларнинг ижобий томонини қабул қилиб, миллий маданиятимизга ёт томонларини инкор қилишидаги энг муҳим тамойилларни нимада кўрасиз?

**Г.Холиқулова:** — Ҳамма нарса оиладан бошланади. Қолаверса, жамоат жойларида, кўча-кўйда, суҳбатлару тўй-ҳашамларда нутқнинг қиммати пасайиб боришига йўл қўймаслик барчамизнинг вазифамизга айланиши керак. Жамоат жойларида ҳар бир гапининг орасига жаргон сўзларни қўшиб гапираётган ёшларни айблаймиз. Бунга биз катталар бефарқ бўлиб ўтиб кетяпмиз-ку! Кўчаларда бир жойга уймалашиб олиб, мижоз кутаётган «ҳайдовчилар»нинг оғзидан чиқаётган бемаъни гапларини ҳар бир йўловчи бемалол эшитиб кетаяпти-ку! Бирортамиз тўхтаб, «Ҳой, акалар, бу кўча фақат сизга тегишли эмас, олдингиздан ёшу қари, эркагу аёл ўтаяпти. Сал тилингизни тийиб олинг», деб уларга нисбатан бирорта мақол айтмаймиз. Чунки ўзимизга эп кўрмаймиз ёки уяламиз. Бу нима, лоқайдликми ёки эътиборсизлик?! Ахир бундан жон каби азиз тилимиз, маданиятимиз ва маънавиятимиз азият чекаяпти-ку...

**Р.Жуманиёзов:** — Даниэл Дефо ўз қаҳрамони Робинзон Крузо тилидан шундай келтиради: «Ҳар қандай нарса-ҳодиса эҳтиёж сифатида қўйилмас экан, у ўткинчи бўлиб қолаверади». Ҳақ гап. Агар Робинзонда яшаш эҳтиёжи, тирик қолиш зарурати бўлмаганда эди, у кимсасиз оролнинг шоҳи ҳам, гадоси ҳам, боғбони ҳам, чорвадори ҳам бўлмас эди. Шундай экан, миллий мустақиллигимизнинг муҳим рамзларидан бири бўлмиш Давлат тилига эътибор ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Миллатнинг яшаш мезонларидан бири унинг миллий тилидир. Она тилимизда тўғри сўзлаш, фикрлаш, унинг тозалиги ва бойлиги учун курашиш ҳар биримизнинг миллат ва истиқлол олдидаги муқаддас бурчимиздир.

**«Ishonch» мухбири**
**Давронбек ОРИПОВ**
**ёзиб олди**

Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси жамоаси бирлашма кенгашининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Адолат Акрамовага акаси
**Аҳмад АСЛОНОВ**нинг
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.


Реклама

**«Surxondaryo universal mulk savdo» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосида қуйидаги автомототранспорт воситалари сотувга қўйилмоқда:

I. Музработ тумани ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази томонидан савдога чиқарилган:

1. «МТЗ-80Х» русумли, 1987 йилда и/ч, 85-79 СН д/б, носоз трактор. Бошланғич баҳоси — 2065000 сўм.
2. «МТЗ-80Х» русумли, 1985 йилда и/ч, 25-76 СМ д/б, носоз трактор. Бошланғич баҳоси — 2246000 сўм.
3. «МТЗ-80Х» русумли, 1985 йилда и/ч, 27-13 ЕК д/б, носоз трактор. Бошланғич баҳоси — 2150000 сўм.
4. «МТЗ-80Х» русумли, 1987 йилда и/ч, 65-79 СМ д/б, носоз трактор. Бошланғич баҳоси — 2065000 сўм.
5. «Т-28х4М» русумли, 1989 йилда и/ч, 43-79 СМ д/б, носоз трактор. Бошланғич баҳоси — 1336000 сўм.

II. Термиз шаҳар «Бойқулов Фахриддин» х/к томонидан савдога чиқарилган:

1. «ГБАСПГ Кобалт» русумли, 2015 йилда и/ч, 75/596 ОАА д/б, носоз автомашина. Бошланғич баҳоси — 3 000 000 сўм.

Аукцион савдолари Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси, 32-уйда жойлашган, Тадбиркорлар маркази биноси, 2-қават, 10-хонада 2016 йилнинг 19, 20 декабр кунлари соат 10:00 дан бошлаб ўтказилади. Мазкур автомототранспорт воситалари ушбу савдоларда сотилмай қолганда такрорий савдолар 2017 йил 5 январ куни соат 10:00 дан бошлаб ўтказилади.

Ким ошди савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар «Surxondaryo universal mulk savdo» МЧЖ билан закалат шартномасини расмийлаштириб, ЧЭКИ «Ҳамкорбанк» х/р: 20208000400426628001, МФО: 01001, ИНН: 303172243 га сотилаётган мол-мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда гаров пули тўлаган ҳолда ариза бериб рўйхатдан ўтишлари шарт. Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Термиз шаҳри, Тадбиркорлар маркази биноси, 2-қават, 10-хона. Тел/факс: 0-376-223-45-50. Гувоҳнома: № 637. **Хизматлар лицензияланган.**


Обуна — 2017




Нашр индекси — **133**.
Тўлиқ бир йил учун расмийлаштирилган имтиёзли обуна индекси — **3133**.


**MUASSIS:** O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-6002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

**Bosh muharrir:** Jahongir Sharofboyev

**Tahrir hay'ati:** Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

**BO'LIMLAR:**
**Kasaba uyushmalari hayoti** — 256-87-63
**Huquq va xalqaro hayot** — 256-64-69
**Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport** — 256-82-79
**Xatlar va muxbirlar bilan ishlash** — 256-85-43
**Reklama va e'lonlar** — 256-87-73

**Manzilimiz:** 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

**HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:**
**Qoraqalpog'iston Respublikasi** — (+998-91) 268-92-32
**Andijon** — (+998-91) 475-23-60
**Buxoro** — (+998-93) 653-50-81
**Jizzax** — (+998-91) 943-67-44
**Namangan** — (+998-90) 260-50-77
**Navoiy** — (+998-93) 314-13-03
**Samarqand** — (+998-97) 915-50-87
**Sirdaryo** — (+998-90) 610-95-55
**Surxondaryo** — (+998-91) 233-69-07
**Farg'ona** — (+998-91) 141-27-70
**Xorazm** — (+998-90) 719-48-00
**Qashqadaryo** — (+998-91) 467-30-01

**Navbatchi muharrir:** A.Abdullayev
**Navbatchi:** J.Ergashev
**Musahhih:** S.Shodiyeva
**Sahifalovchi:** H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **21:00**
Topshirildi — **22:30**
1 2 4 5 6

**«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.**
**Korxona manzili:** Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
**Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.**
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma Г — 1115. 13695 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi: 133

**Таҳририят ҳисоб рақами:** 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ипотека банк» Яшнобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКОНХ: 87100